ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 158 (10.463) / 2005 ЙИЛ 15 АВГУСТ

## Пойтахтнинг бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

● **ЎТГАН** куни олий ўқув юртларида талаба бўлишни орзу қилган абитуриентларнинг тест синовлари натижалари эълон қилинди.

● **ҲУМОЮН,** Амир Темур маҳаллаларида ташкил этилган ободонлаштириш ишларида «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти вакиллари ҳам иштирок этишди.

● **«ТУРКИСТОН»** саройида бўлиб ўтган тадбир ва концерт дастури Қурувчилар кунига бағишланди.

● **ЎТГАН** куни «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман Кенгаши ташаббуси билан сардорлар ҳамда етакчилар иштирокида «Автомобилчи» ҳамда «Камалак» оромгоҳларида «Камолот» куни» тадбири уюштирилди.

● **СЕРГЕЛИ** туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида «Мустақил ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир» мавзуида ўтказилган семинарда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этишди.

● **ЎТГАН** куни Бектемир туман Марказий кутубхонасида «Маърифат» маҳалласи фаоллари, китобхонлар иштирокида бўлиб ўтган маънавий-маърифий давра суҳбати «Ширин сўз — яхши даво» деб номланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**





«Шайхонтоҳур текстиль» қўшма корхонасида тайёрланаётган жаҳон андозалари даражасидаги тайёр кийим-кечаклар «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиғи билан Америка Қўшма Штатлари, Ғарбий Европа ва Ҳамдўстлик мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

**СУРАТЛАРДА:корхонанинг тикув цехида; тикувчи Гўзал Икромова сифатли маҳсулот тайёрлашга муҳим ҳисса қўшмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Муносабат*

## ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

**Кўпгина мамлакатларнинг сиёсий ва экспертлари доиралари Ўзбекистон Республикаси Президентининг сўнгги фармонларини фаол шарҳлашда давом этмоқдалар.**

Япониядаги Нагоя университетининг Ҳуқуқ мактаби профессори К.Ичихашининг баҳо беришича, «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармон Ўзбекистоннинг ҳуқуқий тизимини ислоҳ қилиш жараёнидаги сезиларли ўсишдир. У суд органларининг мустақиллиги ва ваколатларини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя этишга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикасининг Мадриддаги фахрий консули С.Моралес бу Фармон мамлакатнинг ҳийла мукаммал суд тизими томон ҳаракатланишидаги яна бир қадами ҳисобланишини ҳамда у фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишига катта ҳисса қўшишини қайд этди. Фармоннинг 2008 йил 1 январидан бошлаб кучга кириши тўғрисидаги далил эса мутлақо тушунарлидир, чунки бу масалада изчиллик талаб этилиши баробарида хорижий мамлакатларнинг бу соҳадаги тажрибаларини ўрганиш ҳам зарур бўлади.

Франциядаги адвокатлар компаниясининг ҳуқуқшунослик департаменти директори А.Буаннинг фикр билдиришича, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисидаги қарор фуқаролар учун уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг ишончли механизмини яратади. Шу маънода Ўзбекистон Президентининг мазкур Фармони мамлакатнинг демократия сари ҳаракатланишидаги навбатдаги қадами ҳисобланади.

Киев сиёсий тадқиқотлар марказининг директори М.Погребинскийнинг ҳисоблашича, мазкур Фармон Ўзбекистоннинг ҳуқуқшунослик тизими янада инсонпарвар бўлишига кўмаклашиши билан бирга уни ҳуқуқий соҳадаги замонавий халқаро меъёрларга тўла мувофиқ келади.

**«Жаҳон» АА.**

*Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиясининг*

*ҚАРОРИ*

## АЙРИМ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

**«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 12 ва 44-моддаларига мувофиқ шаҳар сайлов комиссияси**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайловини ўтказувчи 5 та сайлов комиссиялари қуйидаги тартибда тузилсин:**

### МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ БЎЙИЧА

**16-ҲУМОЮН ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ**

Марказ — Тракторсозлар маданият саройи. Манзил: Буюк Ипак йўли, 434.

**Комиссия раиси:**

**Харах Петр Львович** — «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамиятининг техника масалалари бўйича директори

**Комиссия раиси ўринбосари:**

**Нурметов Шавкат Тажиматович** — «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамияти ижтимоий ва маиший хизмати бошлиғи ўринбосари

**Комиссия котиби:**

**Аҳмедова Мунира Ҳасановна** — 113-мактабгача таълим муассасаси мудири

**Комиссия аъзолари:**

**Дарабаев Руфат Тулкинович** — «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамияти етакчи муҳандиси

**Маҳкамов Шермахмат** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ядро физикаси институти директори ўринбосари

**Рўзиқулов Равшан Меликулович** — «Уйғониш» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси

Давоми 2 - бетда.

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● **13-14 август кунлари Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги олдидан Республикамизнинг барча вилоятларида «Ўз уйим, ўз маҳаллам» шиори остида умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди. Ҳашар давомида ободонлаштириш ва орасталик ишларидан ташқари ёлғиз кексалар, серфарзанд ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг ҳолидан хабар олинди.**

● **Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги «Матбуотчи» оромгоҳида республика таълим маркази билан ҳамкорликда ташкил этган иқтидорли ўқувчиларнинг «Ижодкор — 2005» ёзги мактаб оромгоҳи машғулотлари якунланди.**

● **Тошкентдаги «Ўзбекистон-Швейцария» дўстлик жамиятида Швейцариянинг миллий байрами — Конфедерация куни тантанали нишонланди.**

● **Сурхондарё вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорликда Сиҳат-саломатлик йилига бағишлаб «Соғлом табиат — соғлом ҳаёт гарови» мавзуида ижодий кўрик-танлов эълон қилди.**

● **Янгийўл шаҳридаги ҳарбий қисмларнинг бирида Энг улуғ, энг азиз байрамимиз олдидан «Мустақилликни мустаҳкамлаш ўз қўлимизда» мавзуида тадбир ўтказилди.**

● **Тошкент вилоятининг шаҳар ва туманларида бунёд этиладиган ижтимоий объектлар қурилиши ва таъмири бўйича навбатдаги тендер савдолари бўлиб ўтди.**

### Жаҳонда

● **Польша Президенти Александр Квасьневский Россия Президенти Владимир Путинга мурожаат қилиб, Москвада икки польшалик дипломат ва журналистга ҳужум уюштирган жиноятчиларни топишни сўради.**

● **Исроил ҳарбий полицияси бир аскарни ҳибсга олди. У мамлакат Бош вазири Ариэль Шарон ҳаётига суиқасд қилиш учун тайёргарлик кўрганликда шубҳа қилинмоқда.**

● **Покистон ҳарбийлари «Хатв-VII» (Бобар) янги баллистик ракетани муваффақиятли синовдан ўтказишди. Янги авлод қуроллари туркумига кирувчи мазкур ракета 2500-3000 километр масофага уча олади ҳамда ядро каллагини ташиш имкониятига эга.**

*Мустақиллик мевалари*







# СЕРГЕЛИНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ










**Халқимизда қутлуғ кунларни муносиб кутиб олиш, тўйига тўёна билан бориш хайрли анъанага айланган. Энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги тобора яқинлашаётган қутлуғ кунларда янада чирой очаётган Сергели туманида бўлган киши улкан бунёдкорлик, кенг кўламли ободонлаштириш юмушларининг жадаллик билан олиб борилаётганига гувоҳ бўлади.**

Умумий майдони 5,6 гектардан иборат бўлиб, аҳолиси 151,2 минг кишини ташкил этган ушбу гўшада охирги бир йил ичида бўлган катта ўзгаришлар туман қиёфасини тубдан ўзгартириб, унга янгича чирой, кўрк бахш этди.

Ободлик кўнгилдан бошланади, деб бежизга айтилмаган. Сергели туманида истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро дилида эзгу ният билан озодалик, ободонлаштириш, ҳар томонлама қулайлик яратувчи кўприклар, осмонўпар бинолар, равон йўллар қурилишига муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда. Биргина Усмон Носир кўчаси билан Тошкент Ҳалқа йўлининг 61-километрида қурилаётган, узунлиги 50 метр ва кенглиги 37 метр ҳамда баландлиги 5,5 метрни ташкил этувчи улкан кўприк нафақат туман аҳолисига қулайлик яратади, балки азим пойтахтимизнинг экологик ҳолатига ижобий таъсир этган ҳолда транзит юк ташиш самарадорлигининг ошишига ҳам хизмат қилади. Туман ҳудудига кўрк бўлиб қад ростлаётган ушбу кўприк қурилиши муносабати билан 2700 метр масофадаги йўллар таъмирдан чиқарилмоқда.

Мустақиллик туфайли ҳар томонлама ривожланиш сари юз тутаётган туманда 1262 та корхона фаолият юритмоқда. Биринчи ярим йиллик бўйича саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 37,2 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 10,9 фоизга ортган, шундан кичик бизнес-субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 16,9 миллиард сўмни, ёки 45,8 фоизни ташкил қилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 33,3 фоизга кўпайган. Кичик бизнес корхоналари ичида самарали фаолият юритаётганлар қаторига «Новатор», «Меҳржон-Меҳрибон» масъулияти чекланган жамиятлари, «Интер Сок» ҳамда «Катрис» қўшма корхоналарни киритиш мумкин. Ташқи савдо айланмаси ҳажми 2,1 баробарга, экспорт ҳажми 11,6 фоизга кўпайган.

Жорий йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун 2 миллиард сўмга яқин 169 та кредит молиялаштирилган. Бунинг ҳисобига 227 тадан ортиқ ишчи ўринлари яратилган. 2005 йилнинг ўтган ярим йиллигида жами бўлиб, янги 230 та тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23 фоизга ошди. Бугунги кунда улар туман иқтисодиётининг юксалишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Туманда жойлашган 3 та касалхона, 4 та оилавий шифохона, туғруқ мажмуаси, 33 та дорихона аҳоли саломатлигини тиклаш, 27 та умумтаълим мактаблари, 6 та касб-ҳунар коллежлари, мусиқа мактаби, 34 та мактабгача тарбия муассасаси эса ўсиб келаётган авлоднинг таълим-тарбия олишлари йўлида хизмат қилмоқда.

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури ижроси йўлида «Нўғай-қўрғон» ва «Баҳор» маҳаллаларидаги оилавий поликлиникаларни тубдан қайта қуриш, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш бўйича иш олиб борилмоқда.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури талабларини бажариш мақсадида янги ўқув йилига 7 та мактабда жорий таъмирлаш юмушлари якунланади.

Туманда 72 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолият юритаётган бўлиб, биринчи ярим йилликда 115 та уй-жойларни мукаммал таъмирлаш режалаштирилган. Жорий йилда туман ҳокимлиги ва фаоллар «Ўз уйимиз, маҳалламиз ва ҳудудимизни ўзимиз обод қилайлик» ибратли ташаббуси билан чиқиб, кўрик-танловлар ўтказдилар ва туман ҳудудини тоза, кўкаламзор, гулу-чечакларга бурканган гўшага айлантириш ишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Ўсиб келаётган ёшларнинг соғлом ва бақувват бўлиб вояга етиши йўлида барча қулайликларга эга стадион, 5 та сув ҳавзаси, 40 та спорт зали, 51 та спорт майдончаси, иккита спорт мактаби, тўртта спорт мажмуаси, 8 та кутубхона, 2 та маданият ва истироҳат боғи хизмат кўрсатмоқда.

Тумандаги янгиланиш, ободонлаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояси йўлидаги ишларни яна кўплаб келтириш мумкин. Барча сергелиликларнинг эзгу мақсадлари улуғ айёмни муносиб ва ёруғ юз билан кутиб олишдир.

Шоира МУҲАМЕДОВА

*Оламда нима гап?*

## Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Лондон портлашларидан сўнг Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр мамлакат хавфсизлиги юзасидан янги чоралар эълон қилди. Ушбу чора-тадбирларга кўра, нафрат ҳиссини уйғотувчи ва зўравонликларни тарғиб этувчи шахслар Британиядан чиқариб юборилади ҳамда экстремистик Интернет сайтлари ёки ташкилотлар билан алоқада бўлганлар депортация қилиниши мумкин.

● Фаластин мухториятида парламент сайловлари 2006 йилнинг январь ойида ўтказилиши тайин бўлди. Бироқ ҳозирча сайловларнинг аниқ куни белгиланмаган. Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббоснинг сўзларига кўра, бу сана тегишли қарор билан яқин кунлар ичида маълум қилинади.

● Эстониянинг Найсаар оролчасидаги денгизга йўловчи ташиш вертолёти қулаб тушган. Унинг бортида олти нафар Финляндия, тўрт нафар Эстония, икки нафар АҚШ фуқароси ҳамда икки экипаж аъзоси бўлганлиги айтилмоқда. Айни дамда барча қурбонлар топилган ва фожиа сабабларини аниқлаш ишлари олиб борилмоқда.

● Эрон ўзининг ядро дастури доирасида Европа Иттифоқи билан музокаралар олиб боришга тайёр эканини билдирди.

● Саудия Арабистонига қарашли авиалайнер двигателида ёнғин чиққанлиги сабабли Қоҳира аэропортига қўнишга мажбур бўлди. Самолёт ичидаги 116 нафар йўловчи эвакуация қилинаётган пайтда ҳам ёнғин ҳали ўчирилмаган эди. Ҳалокат сабаблари текширилмоқда.

● Россия Марказий банкининг директорлар кенгаши 1997 йилдан бери муомалада юрган 5000 рубллик номиналга эга банкноталарни янгисига алмаштиришга қарор қилди. Ушбу янги банкнота «шаҳарлар серия»си туркумидан бўлиб, унда Хабаровск шаҳри акс эттирилган.

● Олимлар шу кунгача уй мушукларининг ширинликларни хуш кўрмаслик сабабини билмас эдилар. Бу жумбоққа изланиб-изланиб, ниҳоят генетиклар жавоб топишди. Олиб борилган изланишлар мушукларда ширинликни билувчи генларда нуқсон мавжудлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам арслон, йўлбарс, қоплонлар умуман ширинлик билан қизиқмас ва ширинлик таъмини ажрата олмас экан.

# ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — ДЕМОКРАТИЯ БЕЛГИСИ

**Тошкент Давлат юридик институти Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази кутубхонасида 10 мингдан ортиқ китоб ва даврий нашрлар бор. Бу ҳуқуқшунослик бўйича республикамиздаги тизимлаштирилган тўпламларнинг энг тўлиғи ҳисобланади. У ўзбек, рус, инглиз, немис, француз ва бошқа тилларда чоп этилган луғатлар, ўқув қўлланмалари, монографиялар ва даврий нашрларни ўз ичига олган.**

Ҳар бир нашрга батафсил шарҳлардан иборат электрон каталог яратилган. Ундан нафақат кутубхонада, балки масофадан ҳам фойдаланиш мумкин. Жумладан, яқинда электрон алоқа воситалари ёрдамида Сурхондарё вилоятидаги 20 та қишлоқ кутубхонаси ноёб китоб фондидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Мазкур база Ўзбекистоннинг энг йирик кутубхоналари жамланма электрон каталогига улангани унинг имкониятлари кенгайишига ёрдам берди. Жорий йилдан бошлаб кутубхона жойларда ўз каталогини CD-дискларга ёзиб тарқата бошлади. Тошкентлик мутахассислар доимо китобхонларининг эҳтиёжларини қондириб бориш учун вилоят кутубхона уюшмалари базасида мунтазам учрашувлар ва семинарлар ўтказиб келмоқда. Бундай анжуманларда 170 та диск тарқатилди.

Жамиятимизни янада демократлаштириш шароитида ҳуқуқий таълим тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўн йил давомида 90 мингдан ортиқ киши кутубхона хизматларидан фойдаланди. Улар орасида 100 дан ортиқ олий ўқув юрти, ўқув муассасалари, молия, тижорат ва бошқа ташкилотлар вакиллари бор. Бу эса республика фуқаролари ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти тобора ошаётгани, Ўзбекистон қонунчилигидаги белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалда қўллаш заруратини чуқурроқ англаётганидан далолат беради.

**ЎзА**

**Тошкентдаги "Алгоритм" болалар ёзги дам олиш оромгоҳида "Экосан Оролбўйи болаларига" шиори остида хайрия тадбири ўтказилди. Унда "Экосан" халқаро ташкилоти раиси Ю. Шодиметов, Туркиянинг халқаро ҳамкорлик бўйича агентлиги (ТИКА)нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Фарук Ўйсал иштирок этди.**

# ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

"Экосан" халқаро ташкилоти "Экология ва саломатлик кунлари" доирасида Тошкент ва Тошкент вилоятидаги соғломлаштириш оромгоҳларида Оролбўйи минтақасидан келиб дам олаётган болаларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида турли хайрия тадбирлари, учрашувлар, экофестиваллар ташкил этиб келмоқда.

Мазкур тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика доимий комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси қарорига асосан ҳамда "Сиҳат-саломатлик йили"га бағишланган "Соғлом муҳит—соғлом авлод гарови" мақсади дастур доирасида ташкил этилмоқда.

"Алгоритм" оромгоҳида Қорақалпоғистон Республикасидан келган 200 нафар болалар дам олишмоқда. Улар иштирокида концерт дастури, болалар спартакиадаси ташкил этилиб ҳар бирига спорт кийимлари топширилди.

Ёзги дам олиш оромгоҳларидан энг намунали болалар орасида машҳур ва ҳар йили республикамизнинг турли бурчакларидан минглаб болалар келиб дам олаётган оромгоҳлардан бири ҳисобланган "Алгоритм" оромгоҳига болалар спортини янада ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида "ЭКОСАН" ҳамда ТИКАнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан турли хил спорт инвентарлари, санитария-гигиена моллари топширилди.

**"Туркистон -пресс"**

*Жиноятга жазо муқаррар*

# ҚОНУН ОЛДИДА ЖАВОБ БЕРИШДИ

**У.Курбонов мўмайгина пул топиш мақсадида қилаётган ишининг жиноят эканлигини била туриб гиёванд воситаларни сотишга аҳд қилди.Ўртоғи Раҳмон орқали мижоз ҳам топди.Б.Мансуров билан танишди.**

–Доимий мижозим бўлсангиз,сизга молни арзонроқ бераман.Қўл телефонимни ёзиб олинг.

–Гап йўқ,ака! Фақат бизга молни вақтида етказиб турсангиз бас.

Шундай қилиб,улар вақти-вақти билан Фарҳод бозори яқинида учрашиб, олди-сотди ишларини давом эттиришди. У.Курбонов мижозига қоғозга ўралган 1 грамм героинни 7.000 сўмга сотди...Бир куни А.Муйдинов У.Қурбоновнинг уйига борди.Чунки унинг керакли мол билан савдо қилишини биларди.

–Менинг битта Бахтиёр деган танишим бор.Ҳақиқий эркак. Агар сизда анави молдан бўлса кўпроқ олмоқчи.

–Килолаб олишга ҳам қурби етадими?

–Уни сўраб билиш керак.Истасангиз қўнғироқ қилинг.Келишиб оласизлар.

У.Қурбонов бундай мижозни қўлдан чиқаргиси келмади. Дарҳол унга қўнғироқ қилиб учрашув жойини келишди.Айтилган вақтда унга молдан намуна олиб борди.-Тез кунда Бахтиёр ушбу молнинг килограммини 1.400 долларга олишини билдирди. Улар «Шаҳристон» қаҳвахонаси олдида учрашадиган бўлишди.Ўша куни У.Курбонов шериги А.Муйдинов билан биргаликда целлофан пакет ичига жойланган 3.404,57 граммлик молни сотиш учун белгиланган жойга боришди. «Кўза кунда эмас, кунида синади», деганларидек, мол эгасига етиб бормади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар бу икки сотувчини қўлга олишди.

Қилмиш — қидирмиш. Нопок йўлга қадам босиб орттирилган бойлик юқмаслиги, ҳаромдан топилган мол-мулк ҳеч кимга буюрмаслигини, вақти келиб қонун олдида жавоб беришга тўғри келишини ҳар бир одам билиб қўйса ёмон бўлмайди. Чўчварани хом санаб юрган икки ҳамтовоқ қилмишларига яраша жазо олиб, У.Курбонов ўн олти йилга,А.Муйдинов эса тўрт йилга озодликдан маҳрум этилди. Энди улар озодликнинг буюк неъмат эканини панжара ортида ўтириб ўйлаб кўрарлар.

**Шерзод УСМОНОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг судьяси.**
**Хонбиби МАҲАМОВА,**
**журналист.**

*Мулоҳаза, мунозара*

# КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

## ҲАР ТЎКИСДА БИР АЙБ

Кўп йиллардан бери ҳисобчи бўлиб ишлайман .Мақтанишга йўйманггу ишда кўп йиллик тажрибам бўлгани учунми, раҳбарлар мени анча ҳурмат қилишади.Молия институтида таҳсил олаётган талабалар корхонамизга амалиёт ўтагани келса, уларга устозлик қиламан. Ишхонада шу боис мени ҳазиллашиб,ёшлар мураббийси деб аташади.Бироқ...

Келинг, индаллога ўтиб қўя қолайлик. Кунларнинг бирида раҳбаримиз ҳузурига чақирди. Хонада 21-22 ёшлардаги йигит ўтирибди. Салом-аликдан сўнг раҳбаримиз шундай деди:

—Сирожиддин Молия институтини битирди. Бизга ишга келяпти .Энди бу йигитга ҳам ўзингиз устозлик қиласиз-да, Анвар ака.

Эртасидан Сирожиддинга иш ўргата бошладим.Очиғини айтиш керак, анча тиришқоқ, зукко йигит эканми, тезда ҳисоб - китоб сирларини ўзлаштириб олди. Аммо "Ҳар тўкисда бир айб", деганларидек, Сирожиддинда ўзгариш ҳам пайдо бўлди.Янги шогирдимиз энди унга ўзидан катта бирон ходим иш буюрса бажармайдиган, бўлар-бўлмасга қовоғини уйиб оладиган, баъзи ҳолларда мажлисларда бу масалада раҳбарга ҳам иддао қиладиган бўлиб қолди.Табиийки, Сирожиддинни корхонамизда ҳеч ким ҳурмат қилмай қўйди.Шуниси қизиқки, унинг мендан бошқа сирдоши ҳам қолмади.Шу орада раҳбарлар Сирожиддинни ишдан бўшатиш чораларини излай бошлашди.Аммо у ҳам пишиққина йигит эмасми,раҳбарият томонидан бериладиган топшириқларни ўз вақтида бажарар эди.

Халқимизда "Кўза кунда эмас кунида синади ", деган мақол бор.Янги йил арафасида корхонамиз раҳбари Сирожиддиннинг ишдан озод этилганлигини эълон қилди. Хуллас, истеъдодли шогирдим ишсиз қолди. Шунда ҳам менга нима дейди "Устоз, кўрамиз ҳали, зўр ишга жойлашиб оламан. Кимлигимни буларга кўрсатиб қўяман. Ҳали сизларга раҳбар бўлиб келаман". Унга афсус билан тикилдиму индамадим. "Камтарга камол, манманга завол", деганларидек, калондимоғ, мақтанчоқ, ўзини ўзгалардан устун қўювчи инсон барибир панд ейди. Шундай қилиб, ҳеч ким Сирожиддиндек, айни кучга кирган кезида ишдан бўшамасин-да.

Каминанинг ҳам пенсияга чиқишига бир йилча қолди. Шу боисми ҳозирча тинчгина ишлаб юрибман. Фақатгина амалиёт ўташга келган талабаларни, ишга келмоқчи бўлган ёшларни обдон ўрганаман, чиғириқдан ўтказаман.

**Анвар ЙЎЛЧИЕВ**

## СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

Шаҳримиздаги сартарошхоналардан бирига кирдим. Қизиғи, беш-олти нафар сартарош йигитлар мижозлар келмаганиданми, шахмат ўйнаб ўтиришарди. Салом-аликдан сўнг бўш креслолардан бирига ўтирдим.

–Келинг амаки, сочингизни қайси усулда олдирасиз?– бир йигит дарров тепамга келди.

– Соч эмас, укажон, соқол олдираман.

– Бунинг сира иложи йўқ. Мен ҳали соқол олишни билмайман, – сартарош йигитнинг жавоби мени ҳайратга солди.

– Буёғи қизиқ бўлдику, ука,– дедим.– Кеча тунда чироқ ўчиб қолди. Ҳозир эса зарур ерга кетяпман. Соқолимни олиб қўймасангиз бўлмайди. Қанча сўрасангиз бераман, ахир.

– Иложи йўқ дедим-ку, амаки. Бундан ташқари бизда фақат соч олдиришади.

Ноилож бошқа сартарошларга мурожаат қилдим. Буни қарангки, мазкур салонда фақатгина икки сартарошгина соқол олишни билар экан. Бир амаллаб ишимни битказиб, пулини тўлаганимда, сартарошларга юзландим.

– Нега сизларда соқол олиш мумкин эмас?

– Чунки салонимиз асосан ёш мижозларга хизмат қилади. Шу пайтгача бизга ҳеч ким соқол олдираман деб мурожаат қилмаган.

Бу жавобдан қаноат ҳосил қилмадим. Чунки бу ўз ишига бир томонлама ёндашиш эмасми? Назаримда ҳар бир соҳа эгаси у сартарош бўладими, дўкон хизматчиси ёки муҳандис ўз касбининг моҳир устаси бўлиши керак. Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон?

**Абзал ЖЎРАЕВ**

## МЕҲР-ОҚИБАТ КЎТАРИЛМАСИН

– Кечки пайт соат саккизлардан ўтган маҳал. Кўча эшигимиз очилди-ю қизим қўлида боласи билан кириб келди. Кўзида ёшни кўриб хавотирга тушдим.

– Нима бўлди, қизим, тинчликми?–сўрадик ундан.

– Адажон. Энди уйга бормайман. Шу ерда қоламан.

Бу жавобни эшитиб ҳайрон бўлдим.

– Нима бўлди, қизим? Куёв тинчми?

– Ҳаммаси яхши. Фақат у уйда менга кун йўқ. Биласиз, уйнинг ҳамма ишлари гарданимда. Қўлимда эса эмизикли бола. Ҳар куни қайнонам нимадандир бахона излаб жанжал кўтарадилар, баъзида мени ўғилларига калтаклатадилар. Турмуши бузилиб қайтиб келган қайин эгачим эса ҳеч кун бермайди. Турсам ўпоқ, ўтирсам сўпоқ дейди. Жонимдан тўйдим. Бугун ҳам туни билан бола эмизиб тонгга яқин кўзим кетиб қолибди. Соат эрталаб саккиз яримларда чиқсам, тўполон бўлиб кетди. Мен уйқучи, дангаса эмишман. Уйда нон қолмаган экан. Мени дўконга чиқиб келмаганлигимда айбдор қилишди. Куёвингиз эса онасининг гапини тинглаб, ҳе йўқ, бе йўқ, роса дўппослади ва ҳайдаб солди. Ҳатто боламнинг кийимларини ҳам бермади.

Бу гапни эшитиб очиғи, жаҳлим чиқди. Чунки аввалари ҳам бир-икки марта ана шундай майда-чуйда жанжаллар бўлган, қизим уйга келганида қўллашиб олиб бориб қўйгандик. Энди нима бўлади? Ана шундай хаёллар оғушида ўтирганимда телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарсам, қизимнинг қайнонаси экан. Қизиғи шундаки, салом-аликсиз у қизимни ёмонлаб кетди. У ношуд, бўшашган эмиш, чаққон-чаққон ҳаракат қилмасмиш, оёғидан ўт чақнамасмиш.

Бироз тинглаб турдиму "Бу ҳақда кейин гаплашамиз" дея гўшакни қўйдим. Энди бир нарсага ҳайронман, азизлар, қизимни олиб бориб қўярмиз, лекин, яна шундай машмаша бўлмаслигига ким кафил бўлади? Бу гапни сиз азизларга айтишимдан мақсад — халқимизда "Қайнона — она" деган гаплар ҳам бор. Ҳар бир қайнона келинини ўз боласидек кўришини, унинг камчиликларини аста-секин тузатиб боришини, бўлар-бўлмасга ёш оилалар барбод бўлишининг олди олинишини истардим.

**Замира ОЧИЛОВА**




КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.
Юсуфжон қизиқ Шакаржонов.

# ЁТИБ ҚОЛГУНЧА — ОТИБ ҚОЛ...

## Йўлдаги ҳангомалар

Ҳамма машина ҳайдовчилар сингари киракашнинг ҳам кушандаси — давлат автомобиль назоратчиси. Зўрға бирор йўловчини топиб, олиб кетаётганингизда рўпарангиздан чиқиб «чур-р» этиб ҳуштагини чалиб турадигандан қўрқмай кимдан ҳам қўрқардингиз. Худога шукрки, ҳозирча уларнинг одам ташиган-ташимаганингиз билан ишлари йўқ, йўл қоидасини бузмасангиз бўлди. Аммо йўлнинг нимаси кўп — қоидаси, билиб-билмай бирортасини уриб, ё тезликни ошириб, ё тўхташ мумкин бўлмаган жойда тўхтаб, ё ҳеч бўлмаса бирор чизиқни босиб қўясиз, шу заҳотиёқ:

— Чур-р!

Ана холос, пишди гилос — қўлга тушдингиз. Бундай ҳолларда юздан тўқсонтўққиз фоиз ҳайдовчи машинасидан тушиб, давлат назоратчиси томонга икки букилиб бориб, у билан қўш қўллаб сўрашади:

— Яхшимисиз, тузукмисиз, ҳол-аҳволлар...

Э, нодон, нима, назоратчи катта холангнинг жиянимидики, у билан сўрашиб, вақтини олиб, энсасини қотирасан, бўладиган гапдан гапир, дейман мен ичимда. Аммо ўзимнинг аранг топаётган кира пулимни бошқа билан арра қилгим келмасдан, бошқача йўл тутаман. Аввало, менга назоратчи таёғини кўтарса, тўхтатишга тўхтатаману машинамдан тушмайман. Ёнимда бир йўловчини олиб кетаётган бўлсам ҳам ўзимни худди камида бош вазирнинг ҳайдовчисидек тутиб, назоратчини кутиб тураман. У менинг машинамдан тушмаганлигимни кўриб «унча-мунча одам эмас-ов», деб бироз ҳушёр тортади. Кейин рўпарамга келиб честь беради:

— Назоратчи катта сержант Фалончи Фалончиев...

— Ҳорманг, командир, — дейман мен унга ҳамон сипогарчилигимни бузмасдан.

Бундай муомаладан кейин назоратчи ҳужжатимни бир кўриб қўлимга қайтариб беради, ё бўлмаса:

— Ҳайданг, ҳайдайверинг, — деб қизил таёқчаси билан ишора қилиб рухсат бериб юборади.

Аммо иш ҳар сафар ҳам бундай ҳамирдан қил суғургандай кўчавермайди. Бу — йўл қоидасини қай даражада бузганингизга боғлиқ. Агар иш жиддийроқ бўлса, бошқачароқ усул қўллашга тўғри келади. Бу ҳолда назоратчи рўпарамга келиши билан мен унга ўта хушмуомалалик билан:

— Ҳа, қоидани бузиб қизил чироққа юриб қўйдик-ку, — дейман. Ҳайдовчи зоти бор-ки «қоидани бузмадим», «чироқ қизил эмас — кўк эди» ва ҳоказо, деб назоратчи билан тортишади, мен эса аксини қиламан ва айбимни дарҳол бўйнимга олиб назоратчини довдиратиб қўяман-у бир амаллаб қутулиб кетаман.

Бир куни кечқурун Қўйлиқ томондан келаётиб, шаҳарга кираверишдаги катта чорраҳада қоронғуда йўл чизиғини кўрмасдан қарши йўлдан юрворибман, рўпарамдан бир пўрим машина «ват-ват»лаб чироғини ўчириб-ёқиб келиб қолди, тўқнашиб кетишимизга сал қолди. Тўполон бўлиб кетди, чамамда саккизтача йўл назоратчиси югуриб келиб, менга бирданига ташланишди-ёв!

— Нима қилаяпсиз!

— Кўз қаёқда, кўз?!

— Авария ҳолати!

— Машинани четга олинг!

Қарасам — ўлдим. Аммо ётиб қолгунча — отиб қол! Эски усулимни ишга солдим:

— Хўп бўлади, командирлар, ҳозир четга оламан-да... Ҳорманглар!

— Ҳорма — бор бўлга бало борми?— деб ўшқирди назоратчиларнинг каттароғи. — Ўз йўлингиз қолиб бировнинг йўлига кириб кетдингиз-ку.

—Қаранг-а, — дедим мен ҳамон хотиржам бўлишга ҳаракат қилиб. — Қарама-қарши йўлга кириб ўн метрча юрворибман-а.

Кейин яна ҳеч нарса бўлмагандай назоратчини суҳбатга тортдим.

— Бу, кўчадаги катта чизиқни қоронғуда ҳам кўринадиганроқ қилиб чизиб қўйишнинг иложи йўқмикин-а...

— Бўлинг, бўлинг, гап сотманг, ҳужжатларни бу ёққа олинг! — назоратчи ҳамон жаҳлдан тушмаган эди. Ахир, бу — ҳазилакам гапми, оддийроқ ҳайдовчи бўлса тушганига тушди, аммо мендақа киракаш-ёзувчидан ундириб бўпсан...

— Марҳамат, ҳужжат десангиз — ҳужжат-да. Ҳужжатларимиз, Худога шукр, жойида...

Ҳақиқатан ҳам ҳужжатларимга гард юқмаган, гувоҳномамдаги суратимда илжайиб тушганман. Шуларни кўрдими, назоратчи бироз ҳовридан тушди.

— Қаерда ишлайсиз?

— Ёзувчиман, — дедим мен биринчи марта ўз касбимни яширмасдан.

— Ҳм... Ёзувчиям шунақа — қоида бузадими?

— Энди бир шунақа бўлиб қолди-да, — дейман мен назоратчига мулойимлик билан оҳиста.

Назоратчи гувоҳномамни қўлида ушлаганича ўйланиб қолди. Сўнг менга қайтариб берди:

— Манг! Энди қоидани бузмай юринг!

— Хўп бўлади. Раҳмат.

Бунақа одамгарчилик қилганга «командир» деган ясама хушомад қўшиб бўлмайди. Мен ростакам миннатдорчилик билдириб ўрнимдан қўзғаламан.

Ҳа, ҳамма ҳайдовчилар каби киракашнинг ҳам энг ашаддий кушандаси — давлат автомобиль назоратчиси. Аммо уларнинг ҳам қалбига йўл топса бўлади, улар ҳам одам.

**Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ**

---

*Габрово латифалари*

## ҚАНЧА БЕНЗИН ЕЙДИ?

*Шотландиялик эру хотин машина сотиб олишни ният қилишибдию битта машинага харидор бўлишибди.*

*-Қанча бензин ейди?-деб сўрабди эри машина сотувчидан.*

*- Жуда оз, бир қошиққина бензин ейди холос,-дебди машина эгаси бироз лоф қилиб.*

*-Ош қошиқдами ё чой қошиқдами?-деб сўрабди харидорнинг хотини.*

## ЧИҚИМИДАН ГАПИРМА

*-Бир кун келиб вафот этсангиз жаннатга борасизми ё дўзахгами?- деб сўрашибди бир габроволикдан.*

*-Қайси бирида чиқим камроқ бўлса ўшанисига бораман,-деб жавоб қилибди ҳалиги габроволик.*

## ПУЛ ЁНГА ҚОЛДИ

*-Менга бугун эртароқ жавоб берсангиз, хотиним билан бозорга чиқиб у-бу харид қилмоқчи эдик,-деди габроволик ўз бошлиғига.*

*-Бунинг сира иложи йўқ,-деб рухсат бермади бошлиқ.*

*-Миннатдорман,- деди габроволик.-Пул ёнга қоладиган бўлди.*

## ХАСИС ЙЎЛОВЧИ

*Нима бўлиб бир габроволик тушган такси машинаси жарликка қулабди.*

*-Ҳой ҳайдовчи, чиқ-чиқ қилаётган пул ҳисоблагичингни ўчир, бу ёғига барибир пул бермайман,-дермиш габроволик йўловчи.*

## НИМА ҚИММАТЛИРОҚ?

*-Сен мен учун энг қимматлисан,-деб бўлажак рафиқасини эркалади габроволик йигит.*

*-Вой, нимага ундай деяпсиз, наҳотки машинангизни сотиб юбордингиз,-дермиш қиз ажабланиб.*

---

# ОЙИМҚИЗНИНГ ИЛТИМОСИ

## Ҳажвия

Аввалига орқамдан келаётган кимсани ўғил болага ўхшатдим. Кейинги сафар ортга ўгирилиб қараб, қулоғида ялтираётган исирғасини кўрдиму шим кийган бўлсада, қиз бола эканлигини билдим. Чорсудан бери орқамдан эргашиб келаяпти. Тавба, қиз бола ўғил болани таъқиб қилса, жуда ғалати бўларкан.

Ўзимизнинг боши берк кўчага кирганимда тўхтаб турган «ГАЗ-24»нинг ён ойнасига сочни тўғрилаш баҳонасида қарасам, ҳалиям орқамдан келяпти. Ўзим ҳам суқсурдеккина йигитман-да. Атайлаб чўнтагимдан «Опал» олиб, эринмай тутатдим. У яқинлашиб ёнимга келди:

-Кечирасиз...

-Хўш,ойимқиз? - Ие, бу дўстим Олимнинг ён қўшниси-ку. Вақтлироқ эътибор бермабман-а.

- Яхшимисиз?- дея илжайдим унга.

- Биласизми, мен...

-Қулоғим сизда, гапираверинг.

- Сиздан бир илтимосим бор эди... Мен... мен... Кўпдан бери орзу қилиб юрган нарсамни топганга ўхшайман.

У қулоқларигача қизариб кетди. Во, Худо урдику, севиб қолганга ўхшайди. Қиз бола биринчи бўлиб изҳори дил қилса, жуда ғалати бўларкан.

- Мен сизни тушунолмаяпман,-дедим ҳаяжонимни яшириб.

- Сизни ҳарбий хизматга чақиришяпти,деб эшитдим... Шу ростми?- сўради у тўсатдан.

Ол-а, бу қиз ҳамма нарсадан хабардор-ку. Келишингизни кутаман, деб гапни олиб қочмоқчи шекилли.

- Ҳа, кеча шаҳар комиссияси бўлди.

- Сочингизни олдирмабсиз-ку.

«Ҳийла қув қиз экан»,-деб ўйладим ўзимча. «Сочимни суриштириб нима қиласан, дилингдагини айтавер».

- Бугун-эрта олдираманда...

- Биласизми,-деди у сал ийманиб,- жингалак сочингиз менга жуда керак, жудаям шиньонбоп. Илтимос, олдирмоқчи бўлсангиз сартарошхонага бирга борсак...

Ана холос! Ўз фикримдан ўзим уялиб қолдим. Ўзим эмас, жингалак сочим ёқиб қолган экану мен бўлсам, э, хомкалла-я!

**Абдумалик ИСОМИДДИН**

---

## ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

*«Икки ҳафтадан буён тандирнинг тилини тополмаяпман».*

***(Новвойлар суҳбатидан)***

* * *

*«Жун тугади, фақат тери қолди».*

***(Тайёрлов корхонасидаги суҳбатдан)***

* * *

*«Қўрғонингиз қаерда?*
*- Қўрғонтепада!»*

***(Вагондаги суҳбат)***

* * *

*«Биринчи парта, ҳозир чиқариб юбораман!»*

***(Ўқитувчининг дашноми)***

* * *

*«Ўзим айланай, кўзим айлансин, жоним айлансиней...»*

***(Қўшиқдан)***

* * *

*«Пахта хирмонига ҳам, бизнинг киссамизга ҳам барака кириб қолди».*

***(Пахта daласидаги суҳбат)***

---

# ХАНДАЛАР

-Деҳқон бува, қовунингиз яхши етилмаган кўринади, олмайман.

-Укагинам,олавер, уйингда уч-тўрт кун асрасанг, етилади. Барибир бодринг ҳам ейсанку.

-Ширин қовун егим келяпти, бодринг мазани нима қиламан.

-Аттанг, қовундан кўра бодринг минг дардга даволигини билмас экансан-да.

* * *

-Ҳой, жиян. Нега пивони тўлдирмай, ярим қуйяпсан?

- Тоға, орқангизга қаранг, бугун пивохўрлар жуда кўп, бошқаларга ҳам етсин деяпман-да!

- У ҳолда уйингдан бувингнинг ангишвонасини олиб келиб,ўшанга қуйиб сотақол!

* * *

- Ие, Робия хола, дўкондан жуда хурсанд бўлиб чиқяпсиз, бирор нарса харид қилдингизми?

- Йўқ, кеча олган ёзлик шиппагимни кияётганимда елимланган жағи кўчиб кетганди, ўшани олиб келсам, сотувчи индамай олиб, пулимни қайтариб берди-я!

-Индамай олмай кўрсин-чи, янги қоидага амал қилган -да, ахир.

- Янги қоидангиз нимаси, ё ҳазиллашяпсанми иним?

-Йўқ, рост гап.

- Агар рост бўлса, қайтариб олган пулимга бошқа шиппак олақолай, унинг ҳам чакаги йиртилса, қайтариб пулини олавераман-да!

**Олим БЕКОВ тўплаган**




Абдурасул Ҳакимов чизган расм.

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Мардлик қалбнинг буюк фазилатидир, кимдаки шу фазилат бор экан, у ғурурланса арзийди.

● Мардлик одамларни хатарли дақиқалардан ажойиб ишларга ундовчи фазилатдир.

● Хатарни кўркмай бартараф этиш эмас, балки уни юзма-юз қарши олиш мардликдир.

● Давлатингдан айрилсанг кўп нарсани йўқотмайсан, номусингдан айрилсанг — кўп нарса йўқотасан, мардлигингдан айрилсанг — ҳамма нарсангни йўқотасан.

● Луқмони Ҳаким ўз ўғлига айтади: «Қариндош-уруғлардан алоқангни узма, ўйлаб иш тут. Одамларни ғийбат қилма, одамлар ёмон ишга бош қўшса уларга қўшилма. Шошилиб иш тутма, бойлик деб ўзингни ғам-қайғуга ташлама». Ўз қадрини билмаган одамдан яхшилик умид қилма.

Ўтиришларда ўз жойингни бил, одамларнинг сўзига қулоқ сол, одамлар сўраса гапир, ўзингдан улуғлар олдига тушиб юрма, одамлар ичида бошингни қуйи солиб ўтирма, ўнгу чапга қарайверма, меҳмонлар олдида бировга ўшқирма, меҳмонга эса иш буюрма. Маст ва девона одамлар билан ҳамсуҳбат бўлма. Бекорчи одамлар билан кўчада ўтирма.

Ўз фойдангни ўйлаб обрўйингни тўкма. Ўзига бино қўйвчи такаббурлардан бўлма. Хусуматдан узоқ бўл, сенга иш буюрсалар бажар, ваъда қилсанг, албатта уни уддасидан чиқ. Ҳеч кимни ранжитма.

Ҳикоят: Зўравонлик камарини белига боғлаб, ўзига ўнта келадиган чигиртканн кўтариб кетаётган бир чумолини кўрдилар. Таажжуб билан айтдилар:

— Бу чумолини кўринг, шу қадар кучсиз бўлгани ҳолда бунчалик оғир юкни ташимоқда.

Чумоли бу сўзни эшитиб кулди ва:

— Мардлар юкини гавда куввати ва тан салобати билан эмас, ҳиммат кучи ва бирлик билаги билан ташийдилар, — деди.

Байт:

**Агар доно бир иш**
**чиқмаса дунёда**
**донодан,**
**У нодонлар билан**
**тенг ўтса мумкин**
**ушбу дунёда.**

«Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси, Тошкент шаҳар автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма қўмитаси раёсати ва маъмурияти компания бошқарув раисининг маслаҳатчиси Жаббор Тойлоқович Рўзиевга турмуш ўртоғи

**Дилбар ая РЎЗИЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

«Меҳрли савдо» Давлат корхонаси жамоаси, шу корхонада кўп йиллар давомида фаолият кўрсатган меҳнат фахрияси

**Анвара ая МИРЗАЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.





*2005 — Сиҳат-саломатлик йили*

# ШИФОКОРЛАР КУЧ СИНАШДИ

**«Саломатлик — туман бойлик», «Соғлом танда — соғ ақл»... Инсон соғлиги ўзи, яқинлари учун, бинобарин жамоат учун нақадар юксак, қадри баланд бойлик эканлиги халқимизнинг юқоридаги сингари кўплаб сермаъно мақолларида ўз аксини топган, албатта.**

Президентимиз томонидан 2005 йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши эса халқимиз тафаккури ва тасаввуридаги шу масалага доир қадриятлару тушунчаларни янада юқори даражага кўтариб, ўзгача мавқе, микёс бахш этади. Сиҳат-саломатлик муҳофазаси,даволашу муолажа ишлари риcоладагидек бўлмоғи учун соғлиқ посбонлари—тиббиёт ходимларининг ўзлари ҳам бардам,бақувват,соғлом бўлишлари зарур албатта. Бинобарин, даволаш муассасалари ходимларининг ҳам бадантарбия машғулотларига, турли спорт мусобақаларига алоҳида эътибор қаратиб, бундай тадбирларда фаол иштирок этишлари мақсадга мувофиқдир.

Яккасарой туманидаги 19-оилавий поликлиникада ушбу йўналишда диққатга сазовор фаолият юритилмоқдаки, бу борада бош шифокор Хосият Содиқованинг ташаббускорлиги муҳим ўрин тутмоқда. Аввало поликлиникада бадантарбия машғулотларини ўтказиш мунтазам, изчил анъанага айланганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Яқинда поликлиника ходимлари иштирокида ўзига хос беллашув ўтказилди. Поликлиника жамоаси аъзоларидан таркиб топган, «Юлдуз» ҳамда «Навбаҳор» гуруҳлари эпчиллик, тезкорлик бобида куч синашиб, ўзаро беллашдилар. Сакраш, югуриш, тўп билан ўйнаш бўйича турли мусобақалар иштирокчиларга яхши кайфият бахш этиб, катта таассуротлар қолдирди. Ғоят қизиқарли ўтган мусобақада ўз фаоллигини намоён эта олган «Навбаҳор» гуруҳи ғолибликни қўлга киритди. Ғолиб гуруҳ аъзоларига ва беллашувнинг бошқа фаол қатнашчиларига поликлиника бош ҳакамси, олий тоифали шифокор Х.Содиқова эсдалик совғаларини топширди.

**Зайниддин НОРМАН,**
**тиббиёт фанлари номзоди,жарроҳ.**

**СУРАТЛАРДА: 19-оилавий поликлиникада бўлиб ўтган спорт мусобақаларидан лавҳалар.**

**17 август куни футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари қувайтликларга қарши майдонга чиқиб, жорий йилдаги энг муҳим учрашувлардан бирини ўтказадилар.**

# ҚУВАЙТ ТЕРМА ЖАМОАСИ ТОШКЕНТДА ТАЙЁРГАРЛИКНИ БОШЛАДИ

Шу муносабат билан Қувайт терма жамоаси Тошкентга муддатидан олдинроқ келишга қарор қилди. Делегация таркиби ҳам меъёридан анча кўп яъни, қирқ нафар кишидан иборат. Уларнинг йигирма етти нафарини футболчилар ташкил этса, қолганлари Қувайт футбол федерацияси вакиллари ҳамда терма жамоа мураббийларидан иборат. Шуни таъкидлаш лозимки, рақибларимиз бўлажак ўйинга ҳар галгидан пухта ҳозирлик кўришди. Улар бир ойдан кўпроқ вақт давомида Европанинг Швейцария ва Австрия мамлакатларида машғулотлар олиб бориб, жамоа ўйинини шакллантириш мақсадида бир қанча маҳаллий клублар билан назорат учрашувларини ўтказишди. Ана шу ўйинларнинг аксариятида Қувайт терма жамоаси мағлубият аламини тортиб кўрди. Фақат сўнгги ўйингина қувайтлик футболчилар ғалабаси билан тугади. Нима бўлган тақдирда ҳам ўтказилган ўйинлар Қувайтга Ўзбекистон терма жамоаси билан бўладиган ўйинда қўл келиши аниқ. Бу эса ўн еттинчи август кунидаги ўйин терма жамоамиз учун осон кечмаслигини билдиради.

-Жамоамиз аъзолари бўлажак масъулиятли ўйинга тайёр, улар ҳал қилувчи учрашув олдидан ўтказган назорат ўйинлари борасида кўнглим тўқ. Олдимизда жуда муҳим ва оғир ўйин турибди, ҳисоб қандай бўлишини олдиндан айта олмасамда, бироқ мухлислар ҳақиқий футбол шоусининг гувоҳи бўлишларига ишонаман. Жаҳон чемпионати йўлланмасига эга бўлиш учун Ўзбекистон терма жамоаси билан бўладиган ўйинда барча имкониятларимизни ишга соламиз, - дейди Қувайт терма жамоаси бош мураббийи Михай Стойкийст.

Ўзбекистон терма жамоаси ҳам айни пайтда бўлиб ўтадиган муҳим учрашувга қизғин тайёргарликни бошлаб юборган. Легионерларимиз ҳам аста бирин-кетин терма жамоамиз сафига қўшилишмоқда. Умид қиламизки, бўлиб ўтадиган муҳим ўйин терма жамоамиз учун муваффақиятли якунланади.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

*Мунажжим башорати*

# САБР- ТОҚАТЛИ, БОСИҚ БЎЛАЙЛИК

**16 АВГУСТ, СЕШАНБА**

**Доимий маслаҳатчи-мунажжимларимиз фикрича, ҳамиша ва ҳар қандай вазиятда сабр-тоқат ва қаноат, босиқлик билан иш кўриш эзгулик келтиради. Ҳар бир ишда мушоҳада ва таҳлиллар асосида ҳаракат қилиш фақат фойдадир. Айни пайтда улар бугунги кунни жиддий ва оғир ишларни бошлаш, омад ва муваффақиятга эришиш учун катта куч-қувват олинадиган кун деб ҳисоблашади. Деҳқончилик, қишлоқ хўжалик ишлари, илм-фан, кўчмас мулк савдоси билан шуғулланиш омадли бўлади.**

Мунажжим Лидия Неведомская Ойнинг Тоғ эчкиси буржида бўлиши кўпчилик кишиларни одатдагидан анча тортинчоқроқ қилиб қўйишини айтади. Қандайдир аниқ бир мақсадни кўзлаб ҳаракат қилувчи кўпгина кишилар бугун сафарда ёки иш жойларида ушланиб қолишларидан яқинларини огоҳлантиришни унутишади. Ноxуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида аввало сафарларни имкон қадар бошқа кунга кўчириш, иккинчидан, ўз сўзларимизга жиддий эътибор қилиш маслаҳат берилади.

Оғир жисмоний меҳнат ва зўриқиш бугун мақсадга мувофиқ эмас. Лекин қандайдир бир ишни бошлаб қўйган бўлсангиз, уни албатта охирига етказишингиз керак бўлади. Зинҳор уни ташлаб қўйманг.

Таваккалчилик, турли хил шубҳали ишлар билан шуғулланиш, ғирромлик бугун тақиқланади. Синалган ҳулқ-атвор қоидалари изидан оғишмай бориш, тартиб - қоидаларга амал қилиш фойдали. Уй ҳайвонлари билан муомалада эҳтиёткор бўлиш талаб этилади — зеро, улар англаб бўлмайдиган тажовузкорликни намоён қилишлари мумкин.

Шамолдан эшик ёки деразаларнинг очилиб кетиши бугунги куннинг яхшилик аломатларидан ҳисобланади.

Бу кеча кўрилган тушларни унутган маъқул. Мабодо, тушларингиз хаёлингиздан нари кетмаса, шуни билингки, улар ўзингизга эмас, балки атрофингиздаги кишиларга кўпроқ тааллуқли бўлади.

Суяк тизими ва оёқ бўғимлари заифлашган ҳолатда бўлади. Стоматолог ҳузурига ташрифингизни бошқа вақтга қолдиринг.

Сариқ ва қизил либослар шу кун маромига тушишингизни билдиради. Барча "совуқ" ранглардан ўзингизни олиб қочинг.

**БУГУН:**

— фақат ўзингиз учун одатий бўлган ишлар билан шуғулланиш;

— кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни бартараф этиш;

— ўз фаолиятингиз натижаларини ҳисоб-китоб қилиб, хулосалар чиқариш;

— сабр-тоқат ва босиқлигингизни намоён этиш;

— уйларни йиғиштириш, қишга мева ва сабзавотларни консервалаш ишлари билан машғул бўлиш;

— қилаётган ишларингиз ўзингиз истаган натижани бермаётган бўлса, жуда ҳам қайғурмаслик (ишингиз ўз-ўзидан юришиб кетади) тавсия этилади.

Катта-кичик қалтис ҳаракатларни, йўл қоидаларини бузиш, йўлларда бепарволикка берилиш, квитанциялар, чипталар ва ҳисоб-китобларга беписанд муносабатда бўлишдан ўзингизни эҳтиёт қилинг.


Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2496 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-709.

1 2 3 4 6